

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

Мамлакатимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини муносиб нишонлаш мақсадида турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Президентимизнинг 2016 йил 18 апрелда-

ги "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони бу йўналишдаги эзгу ва олижаноб вазифаларга алоҳида мазмун ҳамда кўлам бағишлади.

ЭЪТИБОРДАН НУРАФШОН ДИЛЛАР

Жумладан, мазкур Фармонда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, Хотира ва қадрлаш кунини кўтаринки кайфиятда ўтказиш юзасидан вилоятда муносиб тадбир қўрилди.

Қибрай туманидаги "Дўрмон боғи"да вилоят мудофаа, ички ишлар бошқармалари, хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" жамғармаси ҳамда вилоят "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган катта байрам тадбири мазкур санага бағишланган вилоят тантанасининг ўзига хос дебोҳаси бўлди.

Давоми 2-бетда. ➡



Адлия идораларида

Вилоят адлия бошқармасининг тадбиркорлик субъектлари ва хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасида жадвал иш олиб борилаёпти.

«ЎЗИБЎЛАРЧИ»ЛАР ЖАЗОСИНИ ОЛДИ

Хусусан, 2015 йилда судларга тадбиркорлик субъектларига тегишли 503 миллион 311 минг сўмлик 81 та даъво аризалари юборилиб, ижобий ҳал этилди. Шунингдек, қонунбузилиш ҳолатларини бар-тараф этиш ва келгу-

сида такоррламаслик юзасидан қорхона, ташкилот, муассаса раҳбарларига 88 та тақдимнома киритилди. Маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан судларга 14 та тақлиф берилди.

Давоми 2-бетда. ➡

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТАЛАБАЛАР НИГОҲИДА

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари учун инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Давра суҳбати

Унда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази масъул ходимлари, университет профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Давра суҳбатида сўзга чиққан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А. Саидов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг мус-

таҳкам меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилгани, бу борада амалга оширилаётган бир қатор чораларнинг амалга оширилиши бераётганини алоҳида эътироф этишди.

Тадбир доирасида талабалар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази фаолияти билан яқиндан танишиб, ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олишди.

"Туркисон-пресс".

НАВҚИРОНЛИК ШИЖОАТИ

"Кумовул" маданият ва аҳоли дам олиш марказида "Ўзбекистон ёшлари: биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз!" шиори остида минтақавий ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси маърузи кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан ўтказилган фестивалда партиянинг Тошкент шаҳар, Тошкент ва Сирдарё вилоятлари кенгашлари фаоллари, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига партиядан сайланган депутатлар, санъаткорлар, ўқувчи-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Фетиваль Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўрта Чирчиқ тумани Кумовул кишлоғида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийлари, нуруний отахон ва онахонларни йўқлаш билан бошланди. Сўнг, партиянинг "Ёшлар қаноти" фаолларидан иборат жамоалар 3 та шарт бўйича иқтидорларини намоён этишди.

– Бугунги Фетиваль ёш авлодни юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ислохотлар, ҳаётимизда рўй бераётган демократик ўзгариш ва янгиланишлар билан атрофдаги таълимий-маънавий ҳизмат қилади, – дейди партиянинг вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Назаров. – Мақсадимиз, дахлдорлик

туйғусини юксалтириш орқали ёшларни "оммавий маданият" ва мафкуравий таҳдидлар таъсиридан асраш, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашдир.

Тадбир якунида, бир қатор ёшларга Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, партияга қизиқиш билдирган навақирон авлод вакиллари "Ёшлар қаноти" сафига қабул қилинди.

Нозима РАҲИМОВА.

СОТИЛГАН МОЛЛАР... ҚАЙТАРИБ ОЛИНАДИ

Мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, аҳолининг истеъмол маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ўзбекистон истеъмолчилар ҳу-

қуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва унинг ҳудудий бирлашмаларида жорий этилган "ишонч телефон"лари бу борада катта самара бермоқда.

Яна мурожаатлар ҳақида

Буни Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси вилоят ҳудудий бирлашмаси мурожаати ҳамда кўриш мумкин. Хусусан, ўтган йили вилоятдаги истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларига "ишонч телефони" орқали келиб тушган 434 та ариза ва шикоятларнинг аксарияти ижобий ҳал этилиб, етказилган моддий ва маънавий зарар истеъмолчилар фойда-

сига ундириб берилди. Масалан, Бекобод тумани, Хонобод кишлоғида яшовчи фуқаро Абдор Мусулмонкулов Бекобод шаҳар буюм бозорида жойлашган "Reliable-Electronics" хусусий савдо қорхонасидан 340 минг сўмга харид қилган "Нокиа-301" русумли телефон аппаратурининг носоз чиққанини муносабати билан "ишонч телефони"га қилган мурожаати вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жа-

мийатлари ҳудудий бирлашмаси томонидан ўрганиб чиқилганда, хариддорнинг ҳақ эканлиги маълум бўлди ва унга хариддорнинг носоз ҳолдаги "Нокиа-206" русумли телефон аппаратурага алмаштириб берилиши таъминланди. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 25-уй, 115-хонадонда истикомат қилувчи Эльдар Зайтовнинг қилган мурожаати ҳам қаноатлантирилди. Унинг шу йил февраль

ойида Тошкент автомобиль халқа йўлининг Қибрай тумани ҳудудидан ўтувчи қисмида жойлашган "Нуримов Мусота" масъулияти чекланган жамиятига қарашли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш қорхонасида 300 минг сўмга харид қилинган видеокузатув мосламаси автомобилга ўрнатилаётган жараёнда қорхона ходимлари томонидан носоз ҳолга келтирилганлиги юзасидан қилган мурожаати ҳам ўз тасдиғини топди ва унга келтирилган зиён қорхона ҳисобидан қоплаб берилди.

Ҳудудий бирлашма томонидан истеъмолчиларнинг мурожаатлари асосида ижобий ечимини топан бундай мисол-

ларни яна кўплаб келтириш мумкин. Фуқароларнинг истеъмолчи сифатидаги ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодексини, "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун ва бошқа қонунчилик ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан қоплатилган, – дейди Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси вилоят ҳудудий бирлашмаси ҳуқуқий ҳимоя бўлими мутахассиси Б. Қувондиқов. – Мазкур ҳужжатлар истеъмолчиларнинг ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар, турли хизмат кўрсатувчилар билан ўзаро муно-

сабатларини қамраб олади. Бирлашмаимиз томонидан аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир амалдаги қонун ҳужжатлари тарғиботи ҳамда истеъмол маданиятини юксалтириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Энг муҳими, бугун фуқароларимиз бузилган ҳуқуқий ёки қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб кимга ва қайси ваколатли давлат органларига мурожаат қилиши лозимлигини тушуниб етмоқда.

Юлдузхон
МУҲИДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

«МЕҲНАТОБОД»ДА ОЙНА КОРХОНАСИ ҚУРИЛАДИ

Бекобод туманида бино ва иншоотлар учун ойна ишлаб чиқарадиган "Uz Oyna" масъулияти чекланган жамияти ишга туширилиши режалаштирилмоқда.

Унинг қурилиши учун туман ҳокимлиги томонидан "Меҳнатобод" кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан 21 гектар ер майдони ажратилди. Қорхона ишга тушган, йилга ўртача 300 миллиард сўмлик 2-19 миллиметр ўлчамдаги ойналар ишлаб чиқарилади. Тайёр маҳсулотнинг 80 фоизини эса экспорт қилиш белгиланган. Қувонарлиси, бу ерда икки мингга яқин янги иш ўрни яратилади.

Қорхонани ташкил этиш 65 миллион АҚШ доллари миқдорида чет эл инвестицияси ва 35 миллион АҚШ доллари миқдорида банк кредити ҳисобидан амалга оширилади. Ҳозирда қурилишга тайёргарлик ишлари жадал суръатлар билан олиб боришмоқда.

Ўз мухбириимиз.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни



ЭЪТИБОРДАН НУРАФШОН ДИЛЛАР

Тадбирда вилоят ҳокими С. Абдуллаев сўзга чиқиб, давлатимиз томонидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан вилоятда олиб борилаётган ишларга тўхталар экан, катталарга ҳурмат, қичқиларга иззат аённалари узоқ йиллардан буён шаклланиб келаётган қадрият эканлиги, муқтадирлик йилларида бу йўналишда улкан ишлар амалга оширилаётгани, кадр ва ифтихор тушунчаларининг ёшлар орасида оммалашгани хусусида фикр юритди.

– Бугунги дориламон кунларни кўриб, инсон қадр азия бўлган юрда яшаётганимизга шукроналар айтаман, – дейди 97 ёшни қаршилаган Камол бобо Нисомов. – Истиқлол са-

баб бугун биз, кексалар қадр эъоздамыз. Уруш даҳшатлари ва ундан кейинги оғир, машаққатли йилларда бундай фарахбахш кунларни фақат орзу қилардик, холос. Бугун эса шу орзуларимиз рўёбидан дилларимиз нурафшон.

Тадбир давомида Хотира ва қадрлаш кунини ўтказиш бўйича Президент Фармонида белгиланган вазифалар ҳамда вилоятда ишлаб чиқилган махсус чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига бир марталик пул мукофотлари, дори-дармон ва санитария-гигиена воситалари ҳамда ҳомийларнинг байрам совғалари топширилди.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.
Мансур НАХАЛОВ
олган суратлар.

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуг. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оғир кунларни сабр-бардош билан енган,

машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, имони бутун юртдошларимизга хурмат-эҳтиром кўрсатиш бугун том маънода миллий қадриятга айланди.

ЁРУҒ КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Айни пайтда Ангрен шаҳрида 26 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, 207 нафар меҳнат fronti фахрийлари умргузаронлик қилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 18 апрелдаги «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармони асосида уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилмоқда. Шаҳар мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Ўқтам Мирзақулловнинг айтишича, уруш қатнашчилари ва ногиронларига 800 минг сўм миқдорида бир марталик пул мукофотлари байрамона вазиётда топшириляпти. Шу билан бирга, уларга қўшимча дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам тарқатилмоқда.



– Биз, уруш кўрган кексалар тинчлик ва осойишталикнинг қадрини чуқурроқ англаймиз, – дейди дуога қўл очар экан, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, 1-гурӯх ногирони

Фулом ота Башкиров. – Юртимизда уруш қатнашчиларига кўрсатилаётган эътибордан беҳад мамнунимиз. Илоҳим, юр-

тимиз тинч, осмонимиз мусоффо, эзгу ишларнинг бошида турган Юртбошимиз омон бўлсинлар.

Мунаввар ИКРОМОВА.
Даврон АХМАД олган сурат.

САНЪАТ МАКТАБИДА ЮЗМА-ЮЗ

Бекобод тумани, Зафар шаҳарча фуқаролар йиғинида Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.



Шу кунини йиғинга қарашли «Истиқлол», «Гулистон» ва «Бўстон» маҳаллаларида истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат fronti фахрийлари, кекса отахону онахонлар, маҳалла фалолари ва ўқувчи-ёшлар ҳудуддаги 16-сонли мусиқа ва санъат мактабида жам бўлишди.

Иқтидорли ёшлар, «Ораста қизлар» тўғраги аъзолари томони-

дан тайёрланган шеър, кўшиқ, рақс ва сахна кўринишлари барчага байрамона кайфият улашди. Айниқса, кексалар ва ота-оналарни қадрлаш гоёси асосидаги сахна кўриниши йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Тадбир сўнггида фаришларга эсдалик совғалари топширилди.

Нозима АРСЛОНОВА.
Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

Дарвоқе

Кексаларимиз дуога қўл очганда «Ўт балосидан, сув балосидан асрасин», деб ният қиладилар. Бу бежизга эмас, албатта. Оддийгина эътиборсизлик натижасида юзага келаётган нохуш ҳолатлар катта кўнгилсизликларга сабаб бўлиши мумкин.

ХУШЁРНИНГ КЎНГЛИ ХОТИРЖАМ

Ёнғин хавфсизлиги талабларини бажариш ва турли кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ангрен шаҳар Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари аниқ режа асосида барча халқ хўжалиги масканлари ва аҳоли тураржойларининг ёнғинга қарши ҳолатларини текширувдан ўтказиб келмоқда. Шунингдек, ёнғинларнинг олдини олиш, фуқаролар ва уларнинг мол-мулкни фалокатдан сақлаб қолиш мақсадида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилмоқда. Ҳамкорликда ҳикмат қўп, деган нақлга амал қилган ҳолда, фуқароларимиз ҳам мазкур вазифаларнинг тўлақонли амалга оширилишида бошқарма ходимларига кўмак бериб келишмоқда. Аммо, гуруҳ курмакисиз бўлмаганидек эътиборсизлик ва лоқайдлик оқибатида турли кўнгилсиз ҳолатлар ҳам учраб турипти.

Ана шундай дилхирликларнинг олдини олишда хавфсизлик қондаларига риоя қилиш катта самара беради. Жумладан, газ ва газ асбоб-ускуналаридан фойдаланишда эҳтиёткор бўлиш, уларнинг соз ҳолда ишлатилиш мунтазам назорат қилиб бориш, ёш болаларни газ мосламаларига яқинлаштирмаслик лозим. Зотан, «Ўз уйингни ўзинг асра», деган гап бежиз айтилмаган.

Исломиддин ЖАМОЛИДИНОВ,
Ангрен шаҳар ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлимидаги катта инспектор.

ХОМ АШЁСИ МАҲАЛЛИЙ, МАҲСУЛОТИ СИФАТЛИ

Давлатимиз раҳбарининг «2014-2016 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги Қарори ижросига амалий ҳисса қўшиш мақсадида «Ўзметкомбинат» АЖда иссиқлик ўтказмайдиган материалларнинг янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ислохот

Эндиликда корхонанинг металл цехида жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар асосан саноат бино

ва иншоотлари, хусусий тураржойларнинг девор, ички тўсиқ, пол, том ва болхоналарни изоляциялашда ишлатилади.

– Маҳсулотларимиз билан қурилиш, қимё,

нефть ва энергетика соҳасидаги корхоналарни таъминлашга, – дейди иссиқлик ўтказмайдиган материаллар цехи бошлиғининг ўринбосари Санжар Султонов. – Мазкур лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилгани иссиқлик ўтказмайдиган материаллар импортини қисқартириш ва мамлакатимиз валюта маблағларини тежашга хизмат қилмоқда.

Муқаддас ИСРОИЛОВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

Анжуман

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Соғлом авлод – миллат келажаги» мавзuida матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ЯНГИ ҲОЯЛАР МУҲОКАМАСИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ҳамда марказ ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда аҳоли, оналар ва болалар саломатлигини сақлашга кўмаклаштириш юзасидан фонд амалга ошираётган ишлар хусусида сўз юритилди. Шунингдек, йиғилиш сўнггида иштирокчиларнинг келгусидаги устувор вазифаларига оид янги ғоялари, фикр ва мулоҳазалари тингланди.

Ўз мухбиримиз.

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ томонидан:

Тошкент вилояти Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг 2015 йил 22 декабрь кундаги 1-7090/15-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Қатортол» ҚФЙ, Тошрабат Умид Буш манзили бўйича жойлашган, умумий ер майдони 644,0 кв.м., яшаш майдони 103,26 кв.м. бўлган, «4-сонли дала ҳовли» савдога қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 272 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 9 мумкин.

июнь кунини соат 11.00 да ўтказилад.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: 2016 йил 9 июнь кунини ўтказиладиган савдоларга 2016 йил 7 июнь соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини «NEW ESTATE ACTION» МЧЖнинг «Ипак йўли» Миробод филиалида қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. Лицензия RR-0148.

Олмалик шаҳар ТСРҲИ томонидан 2015 йил 27 апрель кунини 1125-сонли реестр тартиб рақами билан қайта рўйхатга олинган Олмалик «SUVOQOVA» МЧЖ (ИНН 200599855) ҳамда Чирчиқ шаҳар ТСРҲИ томонидан 2015 йил 27 апрельда МЧЖ 079-реестр рақами билан қайта рўйхатга олинган «CHIRCHIQ SUVOQOVA» МЧЖ (ИНН 200941730) Қибрай тумани ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган «TOSHMILSUVOQOVA» ДУК Олмалик «SUVOQOVA» МЧЖнинг ҳамда «CHIRCHIQ SUVOQOVA» МЧЖнинг барча турдаги мажбуриятлари юзасидан ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Даъволар Қибрай тумани, Қибрай шаҳарчаси, У. Юсупов кўчаси, 1-уйда ёки 150-56-00 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Қибрай тумани ТСРҲИ томонидан 2015 йил 25 декабрда МЧЖ 33-Т реестр рақами билан рўйхатга олинган «TOSHMILSUVOQOVA» (ИНН 201577953) ДУК Тошкент вилояти ТСРҲИ томонидан 2015 йилда қайта рўйхатга олинган шаҳар ва туман (Бўстонлик, Бекобод, Чирчиқ, Олмалик, Янгийўл, Зангиота ЧЖ, Ангрен «Сувоқова» МЧЖлар) барча турдаги мажбуриятлари юзасидан ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Даъволар Қибрай тумани, Қибрай шаҳарчаси, У. Юсупов кўчаси, 1-уйда ёки 150-56-00 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Реклама ва эълонлар

Ижтимоий реклама

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва jisмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари эътиборига!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси Давлат кўчмас мулк объектларини тўғридан-тўғри музокаралар (оферта) йўли билан сотиш савдоларига таклиф этади

№	Давлат объекти номи	Бинонинг умумий май-дони (кв.м.)	Умумий ер май-дони (га)	Объект манзили	Президент, ҳукумат қарори рақами ва санаси	Балансда сакловчи	Объектнинг бошланғич нархи (сўм)	Объектнинг сотиш қиймати (сўм ва фоиз кўриниши)	Савдо кунлари
1	6-ўйнинг 1-қаватида жойлашган "Дўкон" бино-иншоотлари	1187,67	-	Чирчиқ шаҳри, 4-кичиқ ноҳия, 6-ўйнинг биринчи қавати	ПҚ-2340 28.04.2015й.	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги	803 805 000,0	401 902 500,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
2	"Нотуархон" биноси	1455,72	1,030	Юқори Чирчиқ тумани, Наврўз ҚФЙ, "Наврўз" маҳалласи	ПҚ-2340 28.04.2015й.	Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги	709 488 000,0	354 744 000,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
3	Фаолият юритмаётган собиқ "Паргос нефть базаси"га қарашли мулклар"	193,0	0,511	Бўстонлиқ тумани, Товоқсой кўрғони, ГЭС кўчаси	ПҚ-2340 28.04.2015й.	"Кучлик нефть базаси" УҚ	320 700 917,0	160 350 458,5 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
4	"Машиш хизмат" биноси	496,0	0,050	Чирчиқ шаҳри, Соҳибкор кўчаси, 33-уй	ПҚ-2340 28.04.2015й.	"Ғишт заводи" хусусий корхонаси	414 315 000,0	207 157 500,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
5	"Дўкон" биноси	1422,57	-	Чирчиқ шаҳри, Шимолий кўчаси, 55-ўйнинг биринчи қавати	ПҚ-2340 28.04.2015й.	"Ғишт заводи" хусусий корхонаси	770 556 000,0	385 278 000,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
6	Ангрен нефть базаси	163,6	1,500	Ангрен шаҳар ҳудуди	ПҚ-2340 28.04.2015й.	"Кучлик нефть базаси" унитар корхонаси	834 057 000,0	417 028 500,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
7	Механик таъмирлаш цехи	2368,32	1,650	Ангрен шаҳри, Красногорск қишлоғи	ПҚ-2340 28.04.2015й.	НГКМ Жанубий кон бошқармаси	860 907 000,0	430 453 500,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
8	20-ўйнинг "нотуархон" қисми	730,2	-	Чирчиқ шаҳри, 8-кичиқ ноҳия	ПҚ-2340 28.04.2015й.	Хусусийлаштирилга кўмаклашиш маркази	263 943 300,0	131 971 650,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
9	Фаолият юритмаётган "Кибрай нефть базаси"	3002,54	3,450	Кибрай тумани	ПҚ-2340 28.04.2015й.	"Чиноб нефть базаси"	2 770 176 000,0	1 385 088 000,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
10	Собиқ "10-сонли умумтаълим мактаби" биноси	715,52	0,420	Пискент тумани, Оқтепа ҚФЙ ҳудуди	ВМ-120 27.04.2011й.	Пискент тумани ҳокимлиги	86 674 000,0	43 337 000,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
11	Собиқ болалар боччаси бино ва иншоотлари	927,95	0,846	Юқори Чирчиқ тумани, Аргани ҚФЙ, "Ободон" маҳалласи	ВМ-154 31.05.2012й.	Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги	759 671 000,0	379 835 500,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
12	Хаммом (сауна) бино ва иншоотлари	261,69	0,026	Чирчиқ шаҳри, Х. Махсудов кўчаси, 3-уй	ПҚ-2000 12.07.2013й.	"Чирчиқ Автобус Таксомотор Саройи" МЧК	264 145 860,0	132 072 930,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
13	Фойдаланилмаётган почта бино ва иншоотлари	115	0,012	Чирчиқ шаҳри, Рамазон кўчаси, 1-А уй	ПҚ-2000 12.07.2013й.	"Чирчиқ қурилиш материаллари ва конструкциялари корхонаси" МЧЖ	102 751 131,0	51 375 565,5 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
14	2 қаватли қурилиш тугалланмаган нотуархон биноси	191,82	0,032	Бекобод шаҳри, С. Раҳимов кўчаси	ПҚ-2340 28.04.2015й.	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	160 240 000,0	80 120 000,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
15	34-сонли болалар боччаси бино-иншоотлари	1488,64	0,850	Чиноз тумани, Гулзаробод Ф/У	ВМ-15431.05.2012й.	Чиноз тумани ҳокимлиги	725 680 000,0	362 840 000,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
16	Ўқув ишлаб чиқариш корпуси бино ва иншоотлари	1513,7	0,316	Янгийул тумани, Хўжабод кўрғони	ВМ-192 15.07.2014й.	"Олмазор таъриб механика таъмирлаш, ёрдамчи ишлаб чиқариш корхонаси" ДК	961 238 000,0	480 619 000,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
17	"Нилуфар" болалар боччаси бино-иншоотлари	833,96	0,460	Оҳангарон тумани, Дўстлик ҚФЙ	ВМ-192 15.07.2014й.	Оҳангарон тумани ҳокимлиги	867 450 000,0	433 725 000,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
18	"Халқобод" поликлиникасининг икки қаватли биноси	719,72	0,252	Янгийул тумани, Халқобод ҚФЙ	ПҚ-2000 12.07.2013й.	Янгийул туман тиббиёт бирлашмаси	469 343 000,0	234 671 500,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
19	"Бўстонлик" клуб биноси	1074,1	0,1075	Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент ҚФЙ	ВМ-154 31.05.2012й.	Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги	988 830 000,0	494 415 000,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
20	"Тўйтепа металл қурилмалари" ОАЖнинг дам олиш маскани	2866,98	2,360	Урта Чирчиқ тумани, Истиклол ҚФЙ, "Номданак" маҳалласи, Камалак кўчаси	ПҚ-2340 28.04.2015й.	"Тўйтепа металл қурилмалари" ОАЖ	1 654 955 000,0	827 477 500,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
21	"Далварзин" радиоэлектронинг бино ва иншоотлари	346,06	0,248	Бекобод тумани, Далварзин фермерлар уюшмаси ҳудуди	ВМ-192 15.07.2014й.	Бекобод тумани ҳокимлиги	155 464 000,0	77 732 000,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
22	Нотуархон бино-иншооти	824,17	0,199	Юқори Чирчиқ тумани, Суранкент ҚФЙ, "Қизилсой" маҳалласи	ПҚ-2340 28.04.2015й.	Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги	591 360 000,0	295 680 000,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
23	Собиқ "Ғуна" болалар боччаси биноси	580,21	0,470	Юқори Чирчиқ тумани, Суранкент ҚФЙ, "Қизилсой" маҳалласи	ВМ-154 31.05.2012й.	Юқори Чирчиқ тумани ҳокимлиги	400 912 000,0	200 456 000,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
24	"Кишки клуб" биноси	620,19	0,119	Кибрай тумани, Байтўғрон ҚФЙ ҳудуди	ПҚ-2000 12.07.2013й.	Кибрай тумани ҳокимлиги	531 569 000,0	265 784 500,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
25	"Универсам" дўкони биноси	1395,73	0,365	Ангрен шаҳри, Красногорск кўрғони	ПҚ-2340 28.04.2015й.	"Навий кон-металлургия комбинати" ДК	771 036 000,0	385 518 000,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
26	"Ошхона" биноси	681,20	0,150	Кибрай тумани, Оққовоқ ҚФЙ, Академшаҳарча кўчаси	ВМ-154 31.05.2012й.	Кибрай тумани ҳокимлиги	304 689 699,0	152 344 849,5 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
27	"Шарк" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши	-	-	Кибрай тумани, Май ҚФЙ, Дўстлик кўрғони	ПҚ-2340 28.04.2015й.	2-илова "Шарк" МЧЖ	4 205 157 000,0	2 102 578 500,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
28	"Келес-Шароб" МЧЖнинг 25 фоиз давлат улуши	-	-	Зангиота тумани Келес шаҳар, Ўзбекистон-14	ПҚ-2340 28.04.2015й.	2-илова "Келес-Шароб" МЧЖ	1 926 788 000,0	963 394 000,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
29	Жанубий кон бошқармасининг алоқа участкаси биноси	420,62	0,380	Ангрен шаҳри, Красногорск кўрғони	ПҚ-2340 28.04.2015й.	НГКМ Жанубий кон бошқармаси	285 257 700,0	142 628 850,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
30	Сауна биноси	236,10	0,0236	Олмалик шаҳри, Гайдар кўчаси	ПҚ-2340 28.04.2015й.	"Олмалик автомобиль ўқув ишлаб чиқариш комбинати" МЧЖ	135 833 000,0	67 916 500,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
31	Нотуархон бино иншоотлари	724,62	0,100	Ангрен шаҳри, Янгийобод кўрғони, Ф.Ғулом кўчаси	ПҚ-234028. 04.2015й.	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	1 215 731 000,0	607 865 500,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
32	Дўкон биноси	420,76	0,050	Ангрен шаҳри, Мактаб кўчаси	ПҚ-2340 28.04.2015й.	Ангрен шаҳар ҳокимлиги	725 117 000,0	362 558 500,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
33	"Собиқ "Урта Чирчиқ" ОАЖнинг маъмурий бино ва иншоотлари"	806,52	0,204	Урта Чирчиқ тумани, Дўстлик кўчаси	ПҚ-2340 28.04.2015й.	Урта Чирчиқ тумани ҳокимлиги	363 130 000,0	181 565 000,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
34	"Муҳандис" МЧЖнинг 43,70 фоиз давлат улуши	-	-	Зангиота тумани, Олтин тепа кўчаси, 5-уй	ПҚ-2340 28.04.2015й.	2-илова "Муҳандис" МЧЖ	495 609 086,0	247 804 543,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
35	"Портловчи моддаларни сақлаш омбори бино-иншоотлари"	609,51	6,65	Ангрен шаҳри, Красногорск кўрғони	ПҚ-2340 28.04.2015й.	"Навий кон-металлургия комбинати" ДК-нинг Жанубий кон бошқармаси	1 031 444 000,0	515 722 000,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
36	"Қозонхона бино-иншоотлари"	800,12	0,08	Бекобод шаҳар, Санот ҳудуди	ПҚ-2340 28.04.2015й.	Бекобод шаҳар "Исқиклиқ манбаи"	374 462 000,0	187 231 000,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
37	"Собиқ 7-сонли ўт ўчириш қисми бино-иншоотлари"	246,06	0,16	Бекобод шаҳри, Палтабод кўчаси	ПҚ-2340 28.04.2015й.	Бекобод шаҳар ҳокимлиги	113 754 000,0	56 877 000,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
38	"Ёгончи қайта ишлаш цехи бино-иншоотлари"	355,13	0,890	Чиноз тумани, Эшонбод ҚФЙ ҳудуди	ПҚ-2340 28.04.2015й.	Чиноз тумани ҳокимлиги	103 743 000,0	51 871 500,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
39	"Фойдаланилмаётган маъмурий бино-иншоотлари"	215,04	0,240	Чиноз тумани, Туркистон ҚФЙ ҳудуди	ПҚ-2340 28.04.2015й.	Чиноз тумани ҳокимлиги	73 175 000,0	36 587 500,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
40	"Собиқ клуб бино-иншоотлари"	123,13	0,060	Оқўрғон массиви, Дўстлик ҚФЙ	ВМ-154 31.05.2012й.	Оқўрғон тумани ҳокимлиги	90 199 000,0	45 099 500,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00
41	"Собиқ болалар боччаси бино-иншоотлари"	428,75	0,270	Оқўрғон тумани, Оқўрғон массиви, Дўстлик ҚФЙ, 6-бўлими	ВМ-154 31.05.2012й.	Оқўрғон тумани ҳокимлиги	181 000 000,0	90 500 000,0 (50 фоизга камайтирилган)	04.05.2016й. соат 11.00*
42	"34-сонли умумтаълим мактабининг болалар боччаси бино-иншоотлари"	828,32	0,890	Оқўрғон тумани, Сегизбоев массиви, 2-бўлими	ВМ-154 31.05.2012й.	Оқўрғон			

